

Мусулмон киши Германия канцлери бўлиши мумкинми?



13:34 / 11.03.2019 2135

Яқинда Германиянинг етакчи партияларидан бири ҳисобланган “Христиан-демократик иттифоқ” (ХДИ)нинг парламентдаги раҳбари Ральф Бринкхаус томонидан ОАВга берилган интервью Бундестагдаги сиёсатчилар ўртасида катта баҳс-мунозараларга сабаб бўлмоқда.

Гап шундаки, Ральф Бринкхаус Idea нашрининг “Мусулмон киши партияни бошқариши ва 2030 йилга келиб Германия канцлери бўлиши мумкинми?” деган саволига: “Нима учун бўлмас экан. Агар у яхши сиёсатчи, кадриятларимиз ҳамда партия қарашларини ҳимоя қиладиган бўлса, албатта мумкин” деб жавоб берган. Маълум бўлишича, интервью февраль ойида берилган. Бу фикрга биринчи бўлиб мамлакатнинг машҳур Bild газетаси эътибор қаратган деб ёзади, eadaily.com ахборот сайти. Шундан сўнггина у шов-шув бўлган.

Сиёсатчининг бу қарашлари, аввало унинг ўзи аъзо бўлган ХДИ партияси аъзолари орасида, қолаверса, бошқа сиёсий гуруҳлар ва ОАВ орасида ҳам қизғин баҳс-мунозараларга сабаб бўлди. Айрим гуруҳлар бунинг мутлақо бўлиши мумкин эмаслигини айтишаётган бўлсалар, бошқа гуруҳ сиёсатчилари бу демократиянинг элементлари эканини эътироф этишмоқда. Албатта, Ральф Бринкхауснинг фикрлари Германия Канцлери бевосита раҳбар бўлган ХДИ партиясининг ўзида кўпроқ қаршиликка учраган. Масалан, ХДИ аъзоси Элизабет Мотшманн ислом кадриятлари

олмон халқи қадриятларидан бутунлай фарқ қилишини айтиб, партиянинг номи ҳам бунга йўл бермаслигини таъкидлаган.

Мекленбург-Ғарбий Померания еридаги ХДИ раҳбари Винсент Кокерт эса буни мутлақо қабул қила олмаслигини айтиб ўтган. Инсон манфаатлари диний қадриятлардан устунлигини маълум қилиб, ўз қарашларини ҳимоя қилган Ральф Бринкхаус: “ХДИ бу диний жамоа эмас, партиянинг ҳатто мен аъзо бўлган католик черковидан ажратиб турадиган томони ҳам шунда” дейди. Шундай бўлса-да, ХДИ депутатлари орасида ҳам, бошқа сиёсий элита ўртасида ҳам Ральф Бринкхаусни қўллаб-қувватлаётганлар ҳам йўқ эмас.

Масалан, ХДИнинг Ижроия органидаги ягона мусулмон бўлган Серап Гюллер Германия Асосий қонуни ҳар қандай дин вакилини мамлакат канцлери бўлишига қонуний рухсат бериб қўйганини маълум қилган. Шлезвиг-Гольштейн ерининг Таълим вазири Карин Приен партия раҳбари ёки мамлакат канцлери бўлиш учун, айнан насроний бўлишнинг аниқ сабабларини кўрмаётганини айтиб ўтган. Бундан ташқари, ХДИ коалициясидаги иттифоқдош Германия Социал-демократик партияси (СДП) бу баҳс-тортишувларни “аҳмоқона” мунозара деб баҳолаган.

Islom.uz